

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
НОКИМИ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2013 у.г. "6" феврал № 103-К
"MEXR-SAODAT" масъулияти чекланган
жамиятига оналик товуқлар боқиш цехи
қуриш учун ер майдони танлаш ҳақида.

Самарқанд т-р Самарқанд

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини ижросини таъминлаш мақсадида, "Қишлоққурилишлойиха" масъулияти чекланган жамияти бош лойиха қидирув институтининг 2012 йил 25 декабрдаги 548-сонли баёни, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қумитасининг 2013 йил 8 январдаги 5-сонли хулосаси, "MEXR-SAODAT" масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокимлигига берган хати, тўпланган барча ҳужжатлар тўплами ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далеллатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. "MEXR-SAODAT" масъулияти чекланган жамиятига оналик товуқлар боқиш цехи қуриш учун 1,0 га ер майдони танлаш ҳақидаги ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далеллатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Меҳробод агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 535 контуридан "MEXR-SAODAT" масъулияти чекланган жамиятига оналик товуқлар боқиш цехи қуриш учун жами 1,0 га (шундан: 1,0 га туман захира ерлари ҳисобидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони танлансин.
3. Оналик товуқлар боқиш цехи бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси "MEXR-SAODAT" масъулияти чекланган жамияти раиси Ф. Усмонов зиммасига юклатилсин.
4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев